1.	**ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ**	
	Тўлиқ:	“Buxoroneftgazparmalash” акциядорлик жамияти
	Қисқартирилган:	“BNGP” АЖ
	Биржа тикерининг номи:*	bngp
2.	**АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ**	
	Жойлашган ери:	Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси 4.
	Почта манзили:	200900, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Караулбозор тумани, Буюк ипак йўли кўчаси 4
	Электрон почта манзили:*	Buhoro-ngp@mail.ru
	Расмий веб-сайти:*	www.bngp.uz
3	**МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**	
	Муҳим фактнинг рақами:	06
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури:	навбатдаги
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	21.01.2026 й.
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	26.01.2026 й.
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси 4.
	Умумий йиғилиш кворуми:	52,96 %

№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1	“Бухоронефтгазпармалаш”АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.	100	2 195 732	0	0	0	0
2	“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарувнинг ҳисоботи муҳокамаси.	100	2 195 732	0	0	0	0
3	“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартларидан ва ҳалкаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви ҳамда 2024 йил якуни	100	2 195 732	0	0	0	0

	бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари, самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи қиймати ва уларнинг йил якуни бўйича бажариш ҳисобининг текшируви борасидаги аудитор хулосаларини кўриб чиқиш.						
4	Жамиятнинг 2024 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши борасидаги аудитор хулосаси муҳокамаси.	100	2 195 732	0	0	0	0
5	“Бухоронефтгазпармалаш” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил якуни билан хисоботини кўриб чиқиш.	99,7	2 190 144	0,3	5 588	0	0
6	“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқланиши.	100	2 195 732	0	0	0	0
7	“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг ижроия органига 2025 йилда тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини тасдиклаш.	100	2 195 732	0	0	0	0
8	Жамият Кузатув кенгаши таркибига киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаш:						
	8.1. Кузатув кенгаши таркибидаги Давлат активларини бошқариш агенлиги вакили М.И.Убайдовнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколати тугатилсин	99,76	2 190 564	0,2	4468	0,04	700
	8.2. Кузатув кенгаши таркибидаги Давлат активларини бошқариш агенлиги вакили И.А Ортиқовнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколати тугатилсин	99,76	2 190 564	0,2	4468	0,04	700
	8.3.Кузатув кенгаши таркибидаги Давлат активларини бошқариш агенлиги вакили С.А.Неъматовнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколати тугатилсин.	99,76	2 190 564	0,2	4468	0,04	700
	8.4. Кузатув кенгаши таркибига Давлат активларини бошқариш агенлиги номидан Б.О.Облоқулов номзоди сайлансин.	99,76	2 190 564	x	x	x	x
	8.5. Кузатув кенгаши таркибига Давлат активларини бошқариш агенлиги номидан О.А.Хуррамов	99,76	2 190 564	x	x	x	x

	номзоди сайлансин.						
	8.6. Кузатув кенгаши таркибига Давлат активларини бошқариш агенлиги номидан А.С.Сайфуллоев номзоди сайлансин.	99,76	2 190 564	x	x	x	x
	9. Ихтисослашган эксперт компанияси-“STANDART NORMATIV” МЧЖ томонидан қилинган таҳлил ва якуний хулосага асосан жамиятнинг амалдаги таркибий тузилмасига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, таркибий тузилма 7-иловага мувофиқ янги матнда тасдиқлансин.	100	2 195 732	0	0	0	0
	10. «Бухоронефтгазпармалаш» акциядорлик жамиятининг оммавий танлов ўтказиш бўйича Низоми 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	100	2 195 732	0	0	0	0
	11. Жамият Уставига янги фаолият тури билан шуғулланиш борасидаги қўшимча тасдиқлансин	100	2 195 732	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1	1.1. Акциядорлар умумий йиғилиши саноқ комиссияси А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат таркибда тасдиқлансин. 1.2.Умумий йиғилиш регламенти маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 2 минутдан иборат тартибда тасдиқлансин						
2	2.1. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти бошқарувининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.						
3	3.1. “АФФАТ-АУДИТ” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан миллий аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин. 3.2. “АФФАТ-АУДИТ” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни билан халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин. 3.3“АФФАТ-АУДИТ” МЧЖ аудитор ташкилотининг “Бухоронефтгазпармалаш” АЖ бўйича 2024 йил якуни билан асосий муҳим кўрсатгичлари миқдори 93,75 фоизни, самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсатгичлари миқдори 114,54 фоизни ва самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи 104,15 фоизни ташкил этганини тасдиқлаб, хулоса тақдим этгани маълумот учун қабул қилинсин. 3.4. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти бўйича самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи миқдори 104,15 фоизни ташкил этгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 9 декабдаги 775-						

	сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича методик қўлланмага асосан самарадорликнинг йиғинди кўрсатгичи миқдори 100 фоиздан юқори бўлса, жамият ижро органи фаолияти “юқори” деб баҳоланишини инобатга олиб, жамият фаолияти “юқори” самарада эканлиги инобатга олинсин.
4	4.1.“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил якуни билан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин; 4.2. Жамиятнинг корпоратив бошқаруви тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (ҳозирги Давлат активларини бошқариш агентлиги) ҳамда корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг 2016 йил 25 июлдаги сўровномаси асосида амалга оширилгани ва шу сўровномага асосан жамиятнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги фаолияти “қониқарли” баҳолангани инобатгаолинсин; 4.3. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 27 ноябрдаги мажлис қарори билан жамиятнинг кузатув кенгашига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси билан тўланган рағбатлантириш миқдорлари маъқуллансин; 4.4. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 27 ноябрдаги мажлис қарори билан жамият ижро органи аъзоларига, 2024 йил якуни билан самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмоғига мутаносиб, тасдиқланган рағбатлантириш тўловлари тўланиши тўғрисидаги қарори маъқуллансин ва жамият ижроия органига, амалдаги “Ижро органи тўғрисидаги Низом”га асосан ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган миқдор чегарасида самарадорликнинг муҳим кўрсатгичлари бажарилиши салмоғига мутаносиб миқдордаги рағбатантириш тўловлари тўлансин.
5	5.1. «Бухоронефтгазпармалаш» АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил якуни билан хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
6	6.1. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
7	7.1. “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятининг ижроия органига 2025 йилда тўланадиган рағбатлантириш миқдорлари чегараси иловада берилган рўйхат бўйича тасдиқлансин.
8	8.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибида давлат активларини бошқариш агентлиги номидан фаолият кўрсатиб келган М.И.Убайдов, И.А Ортиқов, С.А.Неъматовларнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколатлари тугатилсин. 8.2.”Бухоронефтгазпармалаш” АЖ кузатув кенгаши таркибига давлат активларини бошқариш агентлиги номидан Б.О.Облоқулов, О.А.Хуррамов, А.С.Сайфуллоевлар сайлансин.
9	9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги ПФ-178-сонли Фармони талаблари бажарилиши ҳамда ихтисослашган эксперт компанияси “STANDART NORMATIV” МЧЖ томонидан қилинган таҳлил ва якуний хулосага асосан жамиятнинг амалдаги таркибий тузилмасига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, жамиятнинг таркибий тузилмаси янги матнда иловага мувофиқ тасдиқлансин.
10	10.1. Жамиятнинг оммавий танлов ўтказиш бўйича Низоми тасдиқлансин.
11	11.1. Жамият Уставига янги фаолият билан шуғулланиш борасидаги қўшимча киритилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин..